


Бадр жанги

2-хижрий йил Рамазон ойининг 17-санасида (624 йил 13 март) мусулмонлар ва Макка мушриклари ўртасида Бадр жанги номини олган биринчи йирик жанг бўлиб ўтди. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бошчилиги остидаги мусулмонлар бу жангда Абу Жахл бошчилигидаги, сони бўйича уч карра устунлик килган мушриклар устидан ажойиб галаба козонади. Бадрдаги галаба Исломнинг бутун кейинги тарихи учун алохида ахамиятга эга эди. Бу жанг Куръонда кайта-кайта тилга олинади. Кейинчалик ислом тарихида мушриклар билан мусулмонларнинг биринчи жангида катнашганлар "Асхоб Ал-Бадр" деб аталган. Улар Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг мусулмонлар орасида, айникса, хурматга сазовор бўлган энг обрўли сахобаларидан

эдилар.
Бадр жангининг сабаблари, ундан олдинги вокеалар, иштирокчилари, кутилмаган ходисалар, натижалари ва окибатлари хакида жуда кўп айтилган ва ёзилган. Тегишли маълумотларни Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам хаётларига багишланган китоблар ва аудиомаърузалардан топишингиз мумкин.

Абу Муслим